Тургунова Азиза Тошпулатовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика" кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ГЕРОНТОПЕДАГОГИКА – КЕКСАЛАР МАКТАБИ

УЎК: 378.013:17.022.1
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_12_7

ТУРГУНОВА А.Т. ГЕРОНТОПЕДАГОГИКА – КЕКСАЛАР МАКТАБИ

Ушбу мақола геронтопедагогикага таълимига асосланиб ёшлар маънавий камолотига эришиш бўйича илмий назарий хулосалар чиқарилган. Оилалар маънавий ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда ибрат ва бетимсол намуна бўлаётган катта авлоднинг тажрибаларидан, яъни геронтопедагогиканинг миллий тарбия усулларидан оқилона фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ахлоқ, қадрият, педагогика, геронтопедагогика, катта авлод, аждодлар мероси,оила, ижтимоий муҳит, миллий тарбия.

ТУРГУНОВА А.Т. ГЕРОНТОПЕДАГОГИКА - ШКОЛА ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ

Данная статья посвящена теоретическим выводам о духовной зрелости молодежи на основе геронтопедагогики. Вопросы рационального использования опыта старшего поколения, национальные методы воспитания геронтопедагогики, как пример и модель стабилизации морального климата семьи.

Ключевые слова и понятия: этика, ценности, педагогика, геронтопедагогика, старшее поколение, наследственное наследие, семья, социальная среда, национальное воспитание.

TURGUNOVA A.T. GERONTOPEDAGOGY – SCHOOL OF SENIOR CITIZENS

This article summarizes the theoretical insights about the spiritual maturity of the youth on the basis of gerontopsychology. Issues of rational use of the experience of the older generation, national methods of education gerontopedagogy, as an example and model of stabilization of the moral climate of the family.

Key words and concepts: ethics, values, pedagogy, gerontophilia, the older generation, familial heritage, family, social environment, national education.

Кириш.

Маълумки, ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлиги масаласи давлат ва жамият тараққиётининг асосини ташкил қилади. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ва фаровонлиги ундаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг таъминланганлиги билан белгиланади. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг бир қанча омиллари, услуб ва воситалари мавжуд, уларни илмий тадқиқ қилиш ва шу асосда зарурий илмий хулосаларни ишлаб чиқиш, бугунги ахборотлашган жамиятнинг олдида турган энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотларга асос бўлувчи 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кекса авлод вакилларининг дахлдорлик ҳиси ва иштирокини янада ошириш"[1] лозимлиги белгиланган. Шу жиҳатдан, учинчи ренессанс пойдеворини барпо этишда маслакдош ва ижрочи бўлаётган катта авлод тажриба ва тарбия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганишни тақозо этмоқда.

Кишилик жамиятининг шиддатли тараққиёти билан шартланган бугунги кунда замонавий техника тараққиётининг ривожланиши геронтопедагогика фани ва унинг аҳамиятини тадқиқ этиш, жамият ва давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётига жорий қилиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, бугунги кун ёш авлоди тарбиясида ижтимоий фаол, жамиятнинг турли соҳаларида ютуқларга эришган, турмушнинг ҳар қандай қийинчиликларидан ўтган, турли синовларни бошдан кечириб, катта ҳаётий тажрибани қўлга киритган, тақводор кекса авлод вакилларининг маслаҳатига доим катта эҳтиёж сезади. Уларнинг бевосита маслаҳати ва ҳаётий тажрибалари ёш авлоднинг фаол дунёқарашга эга бўлиши, баркамол, меҳнаткаш, ҳалол, тўғрисўз бўлиб улғайишларига замин яратади. Ҳар қандай жамият қадриятларида кекса авлод вакилларининг улуғланиши билан боғлиқ анъаналарнинг шаклланиш сабаби ҳам шунда.

Геронтопедагогика – инсон ҳаётининг кексалик даври педагогик хусусиятларини ўрганадиган соҳа бўлиб, ижтимоий фаол кекса авлод вакилларининг ўзлари ва жамият манфаатлари учун узоқ ва мазмунли умр кечиришини назарда тутади

Атама биринчи марта немис тарихчиси А.Капп томонидан фанга киритилган бўлиб, синоним сифатида "учинчи аср авлоди" тушунчаси ишлатилади. Геронтопедагогика катталар таълими ёки катталар тарбияси соҳасига тўғри келади. Ғарб дунёқарашида "Кексаларни ўрганиш ва тарбиялаш илмига "геронтопедагогика"[2] дейилса, бизнинг фикримизча бундай ёндашув кекса авлод имконияти ва тажрибаларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятини англатмайди.

Маънавий меросимизни ёш авлодга етказишда кекса авлод вакилларининг ўрни беқиёс. Кексаларнинг жамиятда миллий ва диний қадриятларни сақлаб авлоддан - авлодга етказишдаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда қарияларни қадрлаш, уларнинг роли ва ўрни қай даражада бўлса, оила шу даражада мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлади. Маълумки, жамиятда ёш авлод катта авлоддан мерос сифатида яшаш, меҳнат қилиш кўникмаларини, хулқ-одоб, маданият, эътиқод каби қадриятларни қабул қилиб олади. Инсоният тарихи шулар асосида янгиланиб, орттирилган тажриба билан янада бойитилган ҳолда такомиллашиб боради.

Аҳолининг кексайиши, кексалар жамияти атамалари бутун дунёда қўлланиладиган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 60-сон фармони.

[2] Olga Doňková. Gerontopedagogika a její edukativní dimenze: Univerzita tomáše bati ve zlíně fakulta humanitních studií institut mezioborových studií Brno.– P. 2.

тушунча бўлсада, бугунги кунда атаманинг аниқ халқаро таърифи берилмаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1956-йилдаги ҳисоботида атама биринчи марта сўзга олинган бўлиб, аҳолининг 7 фоиз ва ундан кўпроғини кексалар ташкил қилса у жамият "қарилар жамияти" ҳисобланади ва бу ўлчов халқаро миқёсда ишлатилади. Шу боисдан кексалари кўп жамият аҳолининг умумий сони нисбатидан келиб чиқади, бунда 1 ёшдан 14 ёшгача – ёш аҳоли, 15 ёшдан 64 ёшгача - меҳнатга лаёқатли аҳоли, 65 ёш ва ундан катта ёшлилар – кексалар ҳисобланади[1].

Қадимда "геронтократия" (юнончада "қариялар ҳокимияти)" маъносини англатади) универсал тушунча ҳисобланган. Қадимги Грецияда кексалар кенгаши – "герусий" устунлиги мавжуд бўлиб, бундай кенгаш аъзолари "геронтамлар" деб аталган. Таржимаси "кекса" деганидир. Гомер ва Софокл фожиаларида кексалар асосан илоҳий шахслар сифатида тасвирланади. Платон геронтократик қарашини "Давлат", "Қонун", "Сиёсат", "Мактублар" асарларида асослаб беради. У кексаларни тарих, анъаналар, қонунлар ҳимоячиси деб таърифлайди.

Кекса авлод – бир томондан, асосан ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва ҳаётга мустақил қадам қўйиш фаолиятини ташкил этувчи. Бошқарув ва назоратни амалга оширувчи, иккинчи томондан эса, ўзи ҳам ҳимоя ва эътиборга муҳтож бўлган жамиятнинг ижтимоий-демографик гуруҳини ташкил этади. Ҳозирги кекса авлоднинг ижтимоий муносабатга киришиши янги ижтимоий шароитда юз бермоқда ва ана шу шароитга мувофиқ келадиган шакллар ва усуллар билан амалга оширилмоқда.

Масалага Ўзбекистон мисолида ёндашилса, бизнинг кекса авлоднинг қарийб 70% дан юқориси ўз оилалари қарамоғида бўлиб, улар фаолиятидан самарали фойдаланиш механизмлари маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда оилалар чегарасида амалга оширилади[2].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги A/PEC/45/106-сон резолюцияси билан 1 октябрь – "Халқаро кексалар куни"ни деб эълон қилинган[3]. Шу муносабат билан юртимизда ҳар йили ушбу кунни кенг нишонлаш мақсадида октябрь ойининг биринчи ҳафтасини "Кексалар ҳафталиги" куни этиб белгиланган.

Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилаш, кексалик даврини мазмунли ўтказиш, ҳаётга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ёлғиз кексаларга ҳар томонлама кўмак бериш, жамиятимиздаги қатор ижтимоий ва маиший муаммоларни бартараф этишда нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги ёшлар маънавий муҳитини барқарорлаштиришда кекса авлод вакилларининг ибрати, роли, тажрибаси етарли даражада ўрганилмаганлиги билан белгиланади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Ривожланган мамлакатларда бир аср давомида педагогика, психология, тиббиёт ва бошқа шу каби аҳоли турмуш даражасининг ошишига ижобий туртки берадиган фанлар қаторида геронтопедагогика соҳасида ҳам изланишлар олиб борилиб, бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бу тажриба ва ютуқлар оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштириш, жамиятда кекса авлод вакилларини фаоллаштириш йўлида педагогика, психология, диншунослик, ҳуқуқ, тиббиёт ва маънавият асослари каби фанлар интеграциясида ҳар бир халқ, миллат ўтмиш тарихини сақлаб қолиш ҳамда келажак авлодга етказиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқотчи М.Мид фикрича, оила ичидаги ва авлодлараро муносабатлардаги маданиятни узатиш жараёни маданиятнинг муайян типини юзага келтиради: постфигуратив жамиятларда маданий намуна олдиндан берилган – болалар асосан ўз аждодларидан ўрганишади; "кофигуратив"

[1] Kojima H. Aging in Japan: Population Policy Implications. Tokyo: Ministry of Health and Welfare; 1996. (Institute of Population Problems Reprint Series 25).

[2] Тургунова А.Т. Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари. – Т.: "Ilm Ziyo Zakovat", 2020. – 48 б.

[3] General Assembly – Forty-fifth Session. 68th plenary meeting 14 December 1990

жамиятларда янги ва эски авлодларнинг маданият намуналари бирга яшайди ва зиддиятга киришади; "префигуратив" жамиятда ёш авлоднинг ижоди берилган намунадан олдинга чиқади ва катталар ўз болаларидан ўрганишади[1]. Г.Маркузе авлодлараро зиддиятга инсон эҳтиёжларининг антропологик структураси билан боғлиқ ва жамиятга инқилобий таъсир ўтказувчи табиат қонунининг ифодаси сифатида қарайди[2]. Немис олими В.Дилтей шахс ижтимоийлашуви жараёнида ёш даражаси муҳим аҳамият касб этишини биологик ва социал омиллар билан боғлаб, уни қуйидаги кўрсаткичларда олиб қарашни тавсия этади: 15 ёш, 30 ёш ва 33 ёш, айнан шу ёш кўрсаткичлари ёшликни белгиловчи давр, ундан кейин эса организмда авлоднинг етуклик давридаги алмашинув жараёни кечади[3]дейди.

Шарқда кекса авлод вакилларига чексиз ҳурмат ва иззат-икром кўрсатилган. Улар ҳам ўз ўрнида ҳаёти, турмуш жараёнида ўз аждодларидан мерос қилиб олган таълим-тарбия борасидаги билимларини ўз халқи, миллати равнақи йўлида сарф этган. Абу Наср Форобий(870–951)нинг "Фозил одамлар шаҳри"[4] асарида, Абу Али ибн Сино (980-1037 й.) нинг "Тиб қонунлари"[5] асарида, Ризоуддин ибн Фахриддин(1859-1936) нинг "Илми ахлоқ" китобида[6] ва бошқа Шарқ алломаларининг асарларида алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарида фарзандга яхши тарбия бериш ва унинг хулқига ижобий фазилатларни сингдириш учун устозлар (катта авлод) тарбиялаши кераклигини уқтириб, комил инсонни вояга етказишни тажрибали шахсларнинг вазифаси сифатида қарайди. Буюк Шарқ мутафаккирлари Кайковус "Қобуснома" асарида ота-оналарнинг (асосан оталар) масъулияти ва вазифалари ҳақида фикр юритган. Оилада фарзанд туғилса, аввало, унга яхши исм қўйиш, ундан сўнг илмли ва меҳрибон мураббийга топшириш, ўқитиш, ўсмирлик даврида эса унга муайян касб-ҳунар сирларини ўргатишга даъват этади. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида аждодлар тажрибасига таяниш лозимлигини таъкидлайди[7]. Ризоуддин ибн Фахриддин "Илми ахлоқ" китобида: "Нақадар бахт ва мартабаларга эришган бўлсангиз-да, ота-оналарингизни ҳеч вақт унутмангиз! Уларга итоатли бўлиб, ҳурмат қилингиз! Насиҳатларини тинглаб, ризоликларини олингиз!" дея уқтирган. Шарқ мутафаккирларидан бири Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, инсоннинг илмий фаолияти ислом тамойиллари асосида қурилиши лозим. Бу жараёнда оилада ота-она асосий ўрин эгаллайди. Оилада болаларни тўғри тарбиялаш учун ота-оналарнинг уларга бўлган ижобий муносабатлари муҳим ҳисобланади. Бу эса фарзанднинг бутун ҳаёти давомида юриш-туриши, турли фаолияти, дунёқараши, одоби, орзу-интилишларида намоён бўлади[8].

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва унинг тенгдошлари муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди. Ҳақиқий инсоний ахлоқни ўзида мужассам қилган ота-оналар ўз болаларига яхши таъсир кўрсатадилар ва ҳақиқий таълим-тарбия бера оладилар. Улар фарзандларининг меҳр-шафқатли, сабрли, софдил ва мақбул бўлиб тарбияланишлари учун замин ҳозирлайдилар. Абдулла Авлоний ўз фикрини давом эттириб, "тарбия ила дарс (таълим демоқчи) орасида фарқ бор, чунки дарс олувчи билувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демакдур"[9]. Демак, ҳар бир ота-онанинг фаолияти, уларнинг амаллари ибратли, намунали, ижобий хатти-ҳаракатларга асосланиши зарур.

[1] Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями // Культура и мир детства. Избранные произведения. –М.: Наука, 1988. – 429 с.

[2] Маркузе Герберт. Одномерный человек: исследования идеологии развитого индустриального общества. Бостон: Beacon Press. 1964 г.

[3] Дилтей В. Введение в науки о Духе. – М.: 2000. – 270, 730 с.

[4] Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Янги аср авлоди. 2016. –118 б

[5] Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. 1-жилд. – Б. 253-361.

[6] Ризоуддин ибн Фахриддин. Илми ахлоқ. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б.60.

[7] Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992. – Б.176.

[8] Имом Ғаззолий. Уйланиш одоби. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. – Б. 64.

[9] Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент; Ўқитувчи, 1992.

Мақоланинг илмий янгилиги сифатида ёшлар маънавий муҳитини барқарорлаштиришда авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятлар (маърифат ва ибрат, тажриба ва муносабат, маънавий-ахлоқий муҳит) ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва миллий тажрибаларни замонавий талабларга идентив мослаштириш (анъанавий ва замонавий қадриятлар интеграциялашуви) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогиканинг миллий тарбиявий хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёшлар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда кекса авлод вакилларининг тарбия жараёни танланди.

Тадқиқотда қиёсий-мантиқий таҳлил тизимлиликдан фойдаланилди.

Асосий қисм.

Ривожланган мамлакатларда кексалик даври, кекса авлод вакилларининг мақоми тўғрисида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрларига кўра бугунги кунда жамиятда янги "Ёшни камситиш" атамаси пайдо бўлиб, бу атама кексалар ҳақидаги салбий фикрларни ўз ичига оладиган, яъни ёшлар ўртасида қариялар иқтисодий юк, жамиятнинг ривожланиши учун ҳисса қўша олмайди, кексалик бу касалликдир деб тушунилишига сабаб бўлмоқда. Социологик сўровларга кўра замонавий ёшлар жамиятда моддий қадриятлар маънавий қадриятлардан юқори туради деб ҳисоблашади. Аммо кекса авлод вакилларини барчасини ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар деб хулоса қилиш тўғри эмас албатта, қадимги анъаналарга кўра 60 ва ундан юқори ёшни шоирлар ёркин куз фасли деб аташса, баъзилар ҳаётнинг пасдубаландини кўрган донишмандлик, донолик даври деб ҳам аташади. Сабаби, жамиятимизда кексалик даврида ўзининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаоллигини сақлаб қолган фаол кексалар кўплаб топилади.

Умр саҳифасининг қуйи босқичига етиб келган авлод ҳаётий муносабатларнинг турфа олами гувоҳи ва иштирокчисига айланмоқда. Баъзилари яхши дам олишга умид қилса, иккинчи бирлари тирикчилик ташвишларидан қутулгач, ўзларининг севимли машғулотлари билан шуғулланиш учун вақт ажратишни орзу қилади. Учинчи гуруҳ вакиллари иш фаолиятини давом эттириш учун жисмонан ожизлик қилса, яна бири уни давом эттиришга мажбур бўлади. Аксарият ҳолларда кекса авлод нафақа ёшида айни ҳаётий тажриба билан қувватланган жисмонан бақувват ҳолатда бўлади. Улар бир қаторда, жисмоний имкониятлари чекланган, интеллектуал салоҳияти бир мунча заиф бўлган ёши улуғларнинг ўзаро жамият билан интеграциясини таъминлаш бугунги кун геронтопедагогикасининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Гарчи, кексаларнинг муносиб ҳаётини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш, уларни қадрлаш бағишланган масалаларда салмоқли тадқиқотлар бўлишига қарамасдан, айнан геронтопедагогика соҳаси бўйича тадқиқотлар дунё миқёсида камлигича қолмоқда.

Олимларнинг фикрича кексаларни тинглаш ва улардан ўрнак олиш орқали уларда ёлғизлик ҳисини камайтириш мумкин. Шу каби тадқиқотларда психолог олим С.К.Баум фаол ҳаёт тарзи билан яшаган кекса авлод вакиллари яшашга бўлган қизиқиши янада ортишини аниқлаган[1] бўлса, тадқиқотчи Е.Болмейер, М.Валенкамп, Г.Вестерхофлар кексалар ҳаётини таҳлил қилиш, бошидан ўтказган воқеалар, ютуқлар ва орзу-истаклари ҳақида гапириш орқали яшашга бўлган интилиши ортиши, ҳаётининг мазмунли бўлиши ҳамда депрессияларнинг камайишига эришилади деб ҳисоблайди[2]. Тадқиқотлардан кўриниб турибдики, биз ижтимоий фаол кекса авлод вакиллари тажриба технологиялари орқали шахснинг комил инсон бўлиб шаклланишига ҳамда уларда жамият учун кераклилик ҳисини уйғотишга, умргузаронлигини ошишга эришамиз.

[1] Баум С.К. Кто ни о чем не жалеет? Психологические отчеты. М, 1999 г. 257-260 с.

[2] Больмейер Э., Валенкамп М., Вестерхоф Г. и др. Творческая память как раннее вмешательство при депрессии: результаты пилотного проекта. Старение психического здоровья. М, 2005 г. 302-304 с.

Кексалик даври 25-30 йил давом этади бу ёшлик ва балоғат ёши билан бир хил дегани. Шунинг учун эътиборни ёшлар каби кексаларга қаратиш кексалар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, "Бир умр ўқиш" тизимини йўлга қўйиш бугунги технологиялашган даврнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсонларнинг умр кўриш давомийлиги ошгани сайин, жамиятда кекса авлод вакилларининг сони ортиб боришига олиб келади бу эса қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишни, ёрдам кўрсатишни, кўпроқ эътибор қаратилишини англатади. Кексалик даври ҳаётнинг энг сўнгги босқичи ҳисобланмайди фақат ўлимгина инсон ҳаётнинг охирги босқичидир. Бу давр ҳар қандай ёш даврлари каби муҳим, сабаби, кексалик инсон ҳаётининг яна бир ривожланиш босқичидир.

Кексалар ҳаёт мактабидир. Бу мактабда ёшлар тафаккури, онги, тарбияси, билими, одоб-ахлоқи шаклланади. Кексалик тўплайди, тарқатади ва яна ўзи ҳам олади. Кексалик ўлмайди у янги-янги шаклга айланиб боради. Кексалик келажак ниҳолларини тарбиялайди, парвариш қилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, ёшликни мазмунсиз ўтказиш мусибатга етаклайди. Кексаларнинг тажриба ва тарбия ресурсларидан самарали фойдаланган, англай билган, шунга эргашган инсонгина ўзининг тараққиёт йўлини тўғри танлай олади.

Юртимизда қадимдан ёшларни тарбиялашда, инсоннинг камолотида, шахс бўлиб шаклланишида кекса авлод вакилларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Эргаш Очиловнинг "Шарқ ҳикоят ва ривоятлари" китобида келтирилишича Мирзо Улуғбекдан сиз нега сиёсатни қўйиб, илм билан машғул бўлдингиз? деган саволга Улуғбек - Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар мен бобомнинг тиззасида ўтирар эдим, шу пайт ҳузурига бир киши кирди, бобом шошиб унинг истиқболига ўрнидан турди - мен тиззасидан тушиб кетдим. Кейин билсам, у зот олим экан, бобомнинг пири комили экан. Илмнинг обрў-нуфузини мен ана ўшанда кўрдим деб жавоб берган[1]. Шу сабабдан, Шарқ халқлари дунёқарашига кўра инсон, олам ҳақидаги илк тасаввур ва тафаккурга оила даврасида, ёши катталардан, бобо-бувилардан олади. "Қуш уясида кўрганини қилади" деган шарқона ибора ҳам шу зайилда вужудга келган бўлса ажаб эмас.

Хақиқатдан, ҳаётнинг аччиқ-чучукини татиб, турли синовларда тобланиб заковат тимсолига айланган кекса авлоднинг эзгу ўгит-насиҳатлари оилалар маънавий-ахлоқий камолотининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Оила ҳар бир инсоннинг маънавий ахлоқий жиҳатдан шаклланиши учун энг қадрли маскандир. Шундай экан, кексаларнинг ҳаётий тажрибаси, ибрати, сабоғи орқали оилада шахслараро муносабатларни ташкил этиш инсонни комиллик, одоб-ахлоқ сари етаклаши шубҳасиздир.

Кексалар ҳаёт мактабидир. Бу мактабда ёшлар тафаккури, онги, тарбияси, билими, одоб-ахлоқи шаклланади. Кексалик тўплайди, тарқатади ва яна ўзи ҳам олади. Кексалик ўлмайди у янги-янги шаклга айланиб боради. Кексалик келажак ниҳолларини тарбиялайди, парвариш қилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, ёшликни мазмунсиз ўтказиш мусибатга етаклайди. Кексаларнинг тажриба ва тарбия ресурсларидан самарали фойдаланган, англай билган, шунга эргашган инсонгина ўзининг тараққиёт йўлини тўғри танлай олади.

Геронтопедагогикага кўра кекса авлод, аввало, жамиятдаги меъёрларга амал қилиши, зиммасидаги бурч ва вазифани қонун доирасида, адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда бажариши, оила бошқаришни билиши, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, турли ишларга чиройли тарзда сафарбар эта оладиган салоҳиятга эга бўлиши, нафақат оила аъзоларига, балки жамиятнинг барча аъзоларига ибрат бўлиши зарур. Шу боис ҳам катта авлод маънавияти масаласи ғоят нозик ва ўта муҳим ҳисобланади. Чунки у эл-юрт, энг асосийси, келажак авлод эгалари – ёшлар учун ибрат кўзгусидир.

Геронтопедагогика тажрибасининг бугунги кунда жамиятдаги ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

– таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришда кекса авлод вакилларининг ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш

[1] Очилов Э., "Шарқ ҳикоят ва ривоятлари" Т, Шарқ, 2013 й.11-6.

муҳим ҳисобланиб, бугунги янгилик замирида ўтмиш тажрибалари ётади;

– шарқ халқларига хос таълим ва тарбия мезони ривоят, афсона ва ибратлар асосига қурилган, аммо эндиликда нафақат насиҳат, маслаҳат йўли билан тарбиялаш, балки ибрат кўрсатиш, ҳамкорлик ва ҳамфикрликни йўлга қўйиш лозим;

– юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа қатор соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда нуронийларимиз камарбаста бўлиб турибди. Уларнинг бу соҳадаги тажрибаларини илмий тадқиқ қилган ҳолда геронтопедагогика соҳасини ривожлантириш ҳар доимгидан кўпроқ аҳамият касб этади.

Хулосалар:

● Миллий, минтақавий, умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, ёшлар тарбияси масалалари, миллий ва диний қадриятларни чуқур англаган ҳолда соғлом фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга баркамол инсонни тарбиялаш муҳимлигига эътибор қаратилади.

● Учинчи Ренессансни барпо этишда авлодлараро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Авлодлараро муносабатларни, улар ўртасидаги ворисийликни ўрганиш жамиятни, оилалар муҳитини ўзига хослигини аниқлаш, ёш авлод келажаги орқали бутун инсоният келажагини кўриш, уларнинг жамият тараққиётидаги ролини ўрганишни талаб қилади.

● Кексалик босқичидаги жараёнлар тўғрисида илмий хулоса қилиш, ворислик ўтмиш меросига таяниб тараққиётни юксак босқичга кўтариш, тараққиётдаги узлуксиз алоқа ва боғланишни таъминлашга ва тафаккурни ривожлантиришга, мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ҳамда ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олишга хизмат қилади.

● Бир томондан, кекса авлод ахборотлашган жамиятда замонавий илмларни ўзлаштиришга ҳаракат қилса, иккинчи томондан уларнинг билими, ҳаётий тажрибаси, хулоса ва тавсияларидан ёш авлодни тарбиялашда эҳтиёжнинг мавжудлиги геронтопедагогика соҳасини тадқиқ қилишни талаб қолмоқда.

● Кексаликни тадқиқ қилиш, уларда кечаётган турли ижтимоий-психологик муракkабликларнинг педагогик ечимини топиш, уларни кексайиш босқичига тайёрлаш, бунда уларнинг салоҳиятларини, қобилиятларини юзага чиқариш, ёки сақлаб қолиш билан боғлиқ ижтимоий вазифалар долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. General Assembly – Forty-fifth Session. 68th plenary meeting 14 December 1990

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 60-сон фармони.

3. Kojima H. Aging in Japan: Population Policy Implications. Tokyo: Ministry of Health and Welfare; 1996. (Institute of Population Problems Reprint Series 25).

4. Olga Doňková. Gerontopedagogika a její edukativní dimenze: Univerzita tomáše bati ve zlíně fakulta humanitních studií institut mezioborových studií Brno.– P. 2.

5. Авлоний А. Туркий гулустон ёхуд ахлоқ. – Тошкент; Ўқитувчи, 1992.

6. Баум С.К. Кто ни о чем не жалеет? Психологические отчеты. М, 1999 г. 257-260 с.

7. Больмейер Э., Валенкамп М., Вестерхоф Г. и др. Творческая память как раннее вмешательство при депрессии: результаты пилотного проекта. Старение психического здоровья. М, 2005 г. 302-304 с.

8. Больмейер Э., Валенкамп М., Вестерхоф Г. и др. Творческая память как раннее вмешательство при депрессии: результаты пилотного проекта. Старение психического здоровья. М, 2005 г. 302-304 с.

9. Дилтей В. Введение в науки о Духе. – М.: 2000. – 270, 730 с.

10. Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. 1-жилд. – Б. 253-361.

11. Имом Ғаззолий. Уйланиш одоби. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009. – Б. 64.

12. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1992. – Б.176.

13. Маркузе Герберт. Одномерный человек: исследования идеологии развитого индустриального общества. Бостон: Beacon Press. 1964 г. Маркузе Герберт. Одномерный человек: исследования идеологии развитого индустриального общества. Бостон: Beacon Press. 1964 г.

14. Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями // Культура и мир детства. Избранные произведения. – М.: Наука, 1988. – 429 с.

15. Очилов Э., Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. - Т, Шарқ, 2013 й.11-б.

16. Ризоуддин ибн Фахриддин. Илми ахлоқ. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б.60.

17. Тургунова А.Т. Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари. – Т.: "ILM ZIYO ZAKOVAT", 2020. – 48 б.

18. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.186.